

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5151201 - Амалий санъат (бадий кулолчилик)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» август даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i>	8
3.1.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар</i>	8
3.2.	<i>5151201 - Амалий санъат (бадий қўлолчилик) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i>	12
	Библиографик маълумотлар.....	12

1. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулолчилик) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5151201 - Амалий санъат (бадий кулолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулолчилик) таълим йўналиши
Малака талабининг қўлланилиши.

Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5151200 - Амалий санъат (бадий кулолчилик)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

– таълим йўналиши амалий санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, кулолчилик технологияси бўйича кулолчилик буюмларини ижодий ёндашган ҳолда ишлаб чиқариш, конструкциялаш, бадий лойиҳалаш, архитектуравий фазовийликни шакллантиришда концептуал сценарийни ишлаб чиқиш; тизимли ёндошув механизмларини тадбиқ этиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини ҳамда педагогик фаолиятнинг усулларини ўрганишни қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

1.2.3. — кулчилик устахоналарида кулчилик буюмларини ишлаб чиқиш; кулчилик лабораторияларида ҳам ашёлар (терракота, шамот, фаянс, майолика, мазаика, эмаллар)ни таркибини таҳлил этиш; кулчилик комбинатларида ишлаш; интерьер ва эскерткеларда (кўчалар ва майдонлар, кичик худудлар, боғ-роғлар, бинолар киришидаги фойелар, парклар) фазовий хажмий композициялар яратиш жараёnlари;

— умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежларидаги таълим тарбия жараёни.

1.2.4. Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий тадқиқот фаолияти;

- ишлаб чиқариш ва технологик фаолият;

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

- педагогик (профессional таълим тизими муассасалари) фаолият

1.2.4. 5151201 - Амалий санъат (бадий кулчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:

5151201 - Амалий санъат (бадий кулчилик) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- фукаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёкараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътикодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- объектларни лойиҳалаш, ландшафт мухитини ташкил қилиш, уларни амалиётга киритиш ҳамда жихозлаш бўйича тадқиқотларда иштирок этади;

- соҳа бўйича илмий-техник ахборотларни, кулолчилик технологиялари бўйича республика ва хорижда чоп этилган илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-ижодий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда катнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ижодий лойиҳалаш фаолиятида:

- бадиий кулолчилик асарларини лойиҳалаш;

- бадиий кулолчилик асарларини лойиҳасини тизимли ёндашув асосида яратишни такомиллаштириш;

- бажарилаётган ижодий-лойиҳа ва амалий ишлар мавзуси бўйича ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қила олиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш;

- технологиялар соҳасида амалий санъат асарларини таъмирлаш технологияларидан фойдалана билиш;

- бадиий кулолчилик асарлари турларини ва хилма-хил шаклларни ясашда спецификали технологик жараёнларни белгилаш;

- бадиий кулолчилик асарларини ясашда, унинг функционал мақсадига боғлиқ ҳолда техник усулини танлаш;

- бадиий кулолчилик ва халқ хунармандчилиги асарларини тайёрлашда турли техникаларни ва технологияларни қўллаш;

- бадиий кулолчилик асарларини бадиий таҳлил қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- бадиий кулолчилик буюмларини бионинг ички ва ташқи безагини яратишда қўллаш;

- бадиий кулолчилик безакларини қайта ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- бадиий буюмларни ишлаб чиқаришда ифодали воситаларнинг замонавий спецификаси комплектациясини билиш;

- кулолчилик буюмларини ишлаб чиқаришда, лойиҳалашда концептуал фикрлаш методларини қўллаш;

- ўтмишни илғор мероси ва маҳаллий ҳамда хорижий меъморчиликнинг декоратив амалий санъати замонавий ютуқларидан кенг фойдаланиш;

- кичик ҳажмдаги пластик шаклларни яратишда ҳудудий бадиий мактаб анъаналаридан фойдаланиш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– бадиий кулолчилик буюмларини ишлаб чиқаришда технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

– ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос қилиш борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

2. 5151201 – Амалий санъат (бадиий кулолчилик) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларни касбий фаолиятда қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллариини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

– бадиий кулолчиликда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш; касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– бадиий кулолчиликда ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бадиий кулолчиликда бирламчи ишлаб чиқариш ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– бадий кулолчиликда ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

2.3. Касбий квалификациялар:

Бадий кулолчилик, амалий санъат, ландшафт дизайнери, кулол рассом, ва тасвирий санъат квалификацияларига **эга бўлиши лозим.**

3. 5151201 – Амалий санъат (бадий кулолчилик) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун *
Назарий ва амалий таълим*	30-70%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестация	6-8%
Таътил	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%

3.1 5151201 – Амалий санъат (бадий кулолчилик) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир каторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир канча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулоти ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

санъат соҳаси бўйича ахборот тўплаш, замонавий компьютер графикаси дастурларини ишлата билиш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги урни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши

проекциялаш усулларини чуқур билиши; фазодаги жисмларни текисликда проекциялай олиши; позицион ва метрик маласалар алгоритмларини еча олиши; ортогонал проекциялар асосида муҳандислик объектларини лойиҳалашни билиши;

фазовий объектларни текисликда тасвирлаш усулларини билиши; ортогонал проекцияларни қайта тузишнинг асосий усулларини қўллай билиши; сиртларни ҳосил қилиш усуллари, сиртдаги нукта ва тўғри чизиклар, сиртларнинг ўзаро кесишуви, сиртларнинг ёйилмасини билиши; конструктор ҳужжатларни, чизмаларни жиҳозлашни;

тасвирлар кўринишлар, қирқимлар ва кесимлар, ёзув ва белгиланишларни билиши; жисмнинг берилган тасвирига боғлиқ ҳолда, уни тасаввур қила олиши;

Давлат стандартлаштириш тизими ва конструктор ҳужжатларнинг ягона тизими талаблари асосида муҳандислик чизмаларни тузиш тартиби ва қоидаларини билиши; чизмаларни ўқиш ва деталларга ажратиш, йиғиш чизмаларини бажариш талабларини назарий ва амалий фойдаланишни билиши; чизмаларни тузиш малакасига эга бўлиши ва уларни ўқий олиши лозим.

пластик анатомия одам танасини тузилиши ҳақидаги фан эканлиги; унинг ташқи шакллари ва шакллар характери билан ҳамбарчас боғланганлиги; ташқи шаклларнинг органлар функциясини белгиловчилиги; тана тузилишининг элементлари ҳақида тушунча бериши лозим;

табiiй фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табiiй ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилна фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истикболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши; таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

тасвирий санъат умумий тарихи фанини ўрганишда инсоният тарихидаги амалий ва тасвирий санъатнинг ривожланиш босқичлари, йирик меъморий обидалар, тасвирий санъат йўналишлари, жанрлари, йирик намоёндалари ҳақидаги билимларни етказиш;

Умумқасбiiй фанлар блоқи:

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбiiй билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ қасб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

қасбiiй таълим методикаси фани қасб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш мазмуни; қасб таълими йўналишлар бўйича таълим тизимининг узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги; ўқув моддий базасининг ташкил этилиши (ўқув материаллари ва мосламалар билан таъминланиши); қасбiiй фанларни ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари; қасбiiй фанлар учун таълим мазмунини танлаш мезонлари; қасбiiй фанларнинг ташкилий шакллари;

педагогиканинг объекти, предмети, вазифалари ва методлари; педагогиканинг асосий категориялари: маърифат, таълим, тарбия, шахс қамолоти ва маданияти, педагогик фаолият, педагогик мулоқот, педагогик технология; маърифат - умуминсоний қадрият, ижтимоий-маданий) ҳодиса ва педагогик жараён; Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими; узлуксиз таълимнинг мақсади, мазмуни ва тузилиши; таълим ва мустақил ўқиб билим орттиришнинг бирлиги; педагогик жараён; таълимнинг маърифий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчи вазифалари; педагогик жараёндаги тарбия; ўқув фаолиятни ташкил

этишнинг умумий шакллари: дарс, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулоти, баҳс-мунозара, конференция, синов, имтиҳон, факультатив машғулоти, маслаҳат; педагогик жараёни ташкил этиш ва бошқариш методлари, усуллари ва воситалари; оила - педагогик ҳамкорлик ҳамда шахс тарбияси ва камолотининг ижтимоий-маданий муҳити субъекти сифатида; маърифий тизимларни бошқариш;

чизматасвир ва рангтасвир воситаларини мураккаб билиши; чизматасвир декоратив тасвирий санъат асоси эканлигини билиши; шакл ва мазмун бирлигини етказа олиши; ижодий фикрни ифодалашда турли техник усулларни қўллаш; ўқув жараёни устида ишлашга ижодий ёндошиш;

рангтасвирни ўзига хослигини билиш; ғоявий-баҳолаш ва образли бадий элементларга мувофиқлаш; график чизматасвир техник воситаларини билиши; рангтасвир бўёқларни механик аралаштиришдаги ранглар жилоси, рангларнинг оптик аралаштирилиши, турли рангларнинг таъсир характери ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хилма-хил ранглар ва боғловчи моддалар, ранглар ва туслар муносабатларини, рангтасвирнинг асосий ифодали воситалари, чизиқли ва ҳаволи перспектива, рангтасвир асарини яратишдаги техник ва технологик жараёнлар графикли тасвирлар учун асос материаллар (коғоз, мато, картон, ҳ.к.) ни тўплай ва амалда улардан фойдаланиш;

материалшунослик кулолчиликда ишлатиладиган хом ашёларни ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш; турли кўринишдаги кулолчилик материалларидан ҳар бир алоҳида ҳолларда фойдаланишни ўрганиш, материаллар ва асбобларни қўллашни ўзига хос усуллари билан танишиш;

мутахассислик бўйича ҳайкалтарошлик модели сифатида фигураларни жойлаштириб қўйиш; пропорция ва муносабат вазни; ҳайкалтарошликнинг атроф муҳит ва меъморий воситалар билан ўзаро алоқаси; юмшоқ ашёларда ҳайкалтарошликнинг асосий турларини яратиш принциплари (доиравий, қўн фигурали композиция бюсть, торс); ҳайкалтарошлик асарларини яратиш асосларини эгаллаш;

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

кулолчилик асарларининг лойихаси; жаҳон кулолчилик санъатидаги техник ютуқлари; ўлчов чизмаларни бажариш усулларини, санъат муаммоларига илмий ёндошиш; турли ашёларда (кулолчилик, ёғоч, шиша, металл, текстиль ва ҳ.) бажарилган кулолчилик буюмларини таъмирлаш усуллари; турли ашёларда (ганч, майолика, мозаика, ёғоч, кундаль, металл, текстиль ва ҳ.) бажарилган кулолчилик буюмларини таъмирлаш усуллари; кулолчилик буюмларини ишлаб чиқишнинг техник-иқтисодий солиштиришнинг турли усуллари;

бадий буюмларни хом ашёда бажариш усуллари; бадий безак принципларини ўрганиш; бадий буюмларни яратишда модель олиш, қолип тайёрлаш, бадий буюмларни қуриш ва қуйдириш жараёнларини мукамал ўрганиш; бадий кулолчилик асарларини яратишда турли ашёлар ва шакллар билан экспериментлар ўтказиш;

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш технологияси; бадий ечим воситасини ўрганиш; кулолчилик буюмларининг ўзига хос хусусиятлари; қуриш ва қуйдириш жараёнлари; бадий безак принциплари билан танишиш; кулолчилик материалларидан алоҳида ҳолларда фойдаланиш; бадий ечим воситаси; ишлаб чиқариш усулларини ўрганиш;

рангшунослик ва композиция асосларида рангларни бир бирига ўтиш жараёни ва тусларини ўрганиш ҳамда уйғунлигини яратишда ташкилий-ижодий фаолият олиб бориш жумладан; ранг гаммаси, ранглар хосиятлари (илик, совук) ва сифатлари, бўёқларни механик аралаштиришдаги ранглар сифати, рангларнинг оптикли аралаштирилиши, турли рангларнинг таъсир характери ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хилма-хил бўёвчи ва боғловчи моддаларини билиш билан бир қаторда рангтасвир асарини яратишдаги техник ва технологик жараёнлар ўрганиш ва амалда қўллаш олиш;

майда пластика амалий санъатнинг реалистик мактаб анъаналарини ўргатиш, сақлаш ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон амалий санъатининг янги – янги поғоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган бадий асар таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва унинг бадий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий билимларини шакллантиришдан; талабаларга турли ҳайкалтарошлик ашёларида ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, уларни функционал жиҳатдан кўркам шакллари яратиш борасида билим беришдан ҳамда ҳайкалтарошлик асарларини ҳар томонлама инсон эҳтиёжи талабаларига жавоб берадиган ҳолда майда пластик асарлар ишлашни ўргатиш;

кулолчиликда ишлаб чиқарилган бадий буюмларни конструкциялаш; лойиҳалаш принципларини ўзлаштириш; кулолчилик буюмларининг композициясини ҳақиқий ипчи ҳажмга келтириш услубини ўрганиш; кулолчилик буюмларини технологик усалдаларини аниқлаш усуллари билан танишиш (математик усул, график усул); чинни фаянс ва лойдан тайёрланган бадий буюмларни композициясини белгиланган ипчи ҳажмга келтириш; кулолчилик буюмларининг кўп кўринишли турлари билан (терракота, фаянс, чинни, майолика, сопол ва хоқозо) танишиш;

кулолчилик безак турлари ўтмишдаги энг яхши анъаналарни кўра билиш, тушуниш ва бошқаларга ўргатиш, кулолчиликда шакл ва безакларини чуқур ўрганиш ва кенгрок идрок этиш. Ўрта Осиё кулолчилик марказларидаги кулолчилик безакларининг бадий хусусиятларини илғаб олиш, яратилган ва яратилаётган бадий асар таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва асарнинг бадий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича амалий ва назарий билимларни шакллантириш

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олинади.

Қўшимча фанлар блоки

бадий кулолчилик санъати тарихи; етакчи жаҳон давлатларининг кулолчилик санъати, кулолчилик асарларининг лойиҳаси; жаҳон кулолчилик санъатидаги техник ютуқлари; ўлчов чизмаларни бажариш усуллари, санъат муаммоларига илмий ёндашиш; турли ашёларда (кулолчилик, ёғоч, шиша, металл, текстиль ва ҳ.) бажарилган кулолчилик буюмларини таъмирлаш усуллари; турли ашёларда (ганч, майолика, мозаика, ёғоч, кундалъ, металл, текстиль ва ҳ.) бажарилган кулолчилик буюмларини таъмирлаш усуллари; кулолчилик буюмларини ишлаб чиқишнинг техник-иқтисодий солиштиришнинг турли усуллари;

араб хаттотлиги бадий кулолчиликда таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаш лозим.

арт маркетингнинг назарий асослари, “маркетинг миксе” тушунчаси ва унинг функцияси, стратегик режалаштириш тамойиллари, визуал арт, ҳамда ижро санъатида маркетинг асослари, музей маркетинги ривожланиш тенденциялари; маркетинг миксени шакллантириш, санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлаш, аудиторияларни таҳлил этиш; санъат асари нарҳини белгилаш, промоушенга оид фаолиятни ташкил этиш, дистрибуция воситаларидан фойдаланиш.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5151201 - Амалий санъат (бадий қудолчилик) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача килиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий 59,8%
- аттестация- 7,8%
- таътил- 17,6%
- малакавий амалиёт- 11,7%
- битирув малакавий иши- 2,9%

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар- 20,7%
- умумқасбий фанлар- 44,2%
- ихтисослик фанлар- 29,9%
- қўшимча фанлар- 5,2%

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта килиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55





ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, кулол, амалий, таъмир, консервация, реконструкция, проекция, аксонометрия, безак, раппорт, аналогия, хажмий-фазовий ечим, фиксация, умумий, яхлитлик, қоралама, эскиз, картон, динамика, статика, динамика, симметрия, ассиметрия, ритм, шакл, ўлчам, ахроматика, хроматика, композицион ечим, композицион жойлашув, мозаика, майолика, терракота, кундаль, ганч, наққошлик, геометрик таҳлил, фазовий чуқурлик, силуэт, рефлекс, этюд, фактура, колорит.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
5151201 – Амалий санъат (бадий кулолчилик) таълим йўналиши
бўйича Малака талабларини ишлаб чиқиш бўйича

Ижодий ишчи гуруҳ рўйхати

№	Ф.И. Ш.	Лавозими	Имзо
1	Сайфуллаев Н.	Ректор, ижодий ишчи гуруҳ раиси	
2	Салихов О. Р.	Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	Қодиров Қ. Р.	Ўқув бўлими бошлиғи, аъзо	
4	Хайтметов Д. Т.	Бадий кулол ва меъморий ёдгорликлар безағини таъмирлаш кафедраси мудири, аъзо	
5	Утанова У.	Ижтимоий фанлар, педагогика ва касбий таълим кафедраси мудири, аъзо	
6	Зокирова С.	Информатика ва менежмент кафедраси мудири, аъзо	
7	Хўжаниёзов Р. Қ.	Чизматасвир кафедраси мудири, аъзо	
8	Исламов Ф. Х.	Бадий кулол ва меъморий ёдгорликлар безағини таъмирлаш кафедраси доценти	
9	Абдудаева.С.	Бадий кулол ва меъморий ёдгорликлар безағини таъмирлаш кафедраси ўқитувчиси	

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

М.Ў



Ректор

Н.Б.Сайфуллаев

2021 йил « ____ » ____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимнинг
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. _____ М.Эсонов

2021 йил « ____ » ____
М.Ў



Ўзбекистон Бадий академияси
Бой илмий котиб _____ Ф.А.Абиджанова

М.Ў



П.Беньков номидаги Республика
ихтисослаштирилган рассомлик мактаби

директор _____ Б.Хакимов

М.Ў



2021 йил « ____ » ____

Ўз ФА Санъатшунослик институти

директор _____ Ш.Р.Пидаев

М.Ў



2021 йил « ____ » ____